O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2007 йил 15 август, № 159 (4312) Чоршанба

# ИСЛОМ КАРИМОВГА ЮНЕСКОНИНГ ОЛТИН МЕДАЛЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 14 август куни Оқсаройда «Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси» мавзуидаги халқаро конференция иштирокчиларидан бир гуруҳи билан учрашди.***





Учрашув қатнашчилари ислом маданияти ва фанини ривожлантиришда мамлакатимиз муҳим ўрин тутишини, ўзбек халқи ўз даҳоларининг хизматлари билан ислом цивилизациясини ривожлантириш орқали бутун дунё цивилизацияси равнақига ҳам улкан ҳисса қўшганини таъкидладилар. Халқаро анжуман юксак савияда ташкил этилганини қайд этдилар.

Мусо бин Жаъфар Ҳассан Президентимизга ЮНЕСКОнинг «Аристотель» ва «Буюк Ипак йўли» олтин медалларини топширди. Бу мукофотлар таълим, фан ва маданиятни ривожлантиришга, халқаро мулоқотни фаоллаштиришга улкан ҳисса қўшган давлат ва жамоат арбобларига, йирик олимларга, илм-фан ва маданият намояндаларига берилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ЮНЕСКОнинг «Аристотель» ва «Буюк Ипак йўли» олтин медаллари билан тақдирланганини учун миннатдорлик билдириб, бу юксак мукофотлар халқимизнинг миллий ва умуминсоний қадриятларни сақлаш ва ривожлантиришга қўшган катта ҳиссасига берилган баҳодир, деб таъкидлади.

— ISESCO томонидан Тошкентнинг 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши ва шу муносабат билан ўтказилаётган ушбу нуфузли халқаро анжуман Ўзбекистонни, ўзбек маданияти ва илмфанини дунёга танитишда муҳим аҳамиятга эга, — деди мамлакатимиз раҳбари. — Бизнинг заминимизда етишиб чиққан буюк алломаларнинг ислом таълими, маданияти, умуман, жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси беқиёсдир.

Учрашувда Ислом конференцияси ташкилоти Бош котиби Акмалуддин Эҳсон ўғли, Араб давлатлари лигаси Бош котиби Амр Мусо, ЮНЕСКО Бош конференцияси раиси Мусо бин Жаъфар Ҳассан, Кувайт Давлати маориф ва олий таълим вазири Нурия ас-Сабиҳ хоним ва Қозоғистон Республикаси мусулмонлари идораси раиси, муфтий Абсаттор Дербесали ISESCOнинг Тошкентни Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиш ҳақидаги қарори фақат ўтмиш билан боғлиқ эмаслигини, ўзбек халқининг бугунги бунёдкорлик фаолиятига ҳам берилган юксак баҳо эканлигини таъкидладилар.

ISESCO томонидан Тошкентнинг 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида қадимий обидалар ва муборак қадамжоларни тиклаш, таъмирлаш ва ободонлаштириш, илм-фан ва таълимни ривожлантириш, бой тарихий, илмий-маърифий ва маданий меросни ўрганиш, миллий қадриятларни асраб-авайлаш ва тарғиб этиш, маърифатли ислом ғояларини ёйиш, диний бағрикенгликни қарор топтириш ва мустаҳкамлаш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг халқаро миқёсдаги яна бир эътирофидир.

**(ЎзА).**



# ПРЕЗИДЕНТ АРАБ ДАВЛАТЛАРИ ЛИГАСИ БОШ КОТИБИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 14 август куни Оқсаройда Араб давлатлари лигаси (АДЛ) Бош котиби Амр Мусони қабул қилди.***

Биз сизни нафақат араб дунёсида, балки бутун жаҳонда ҳурмат-эҳтиром қозонган етук сиёсий арбоблардан бири сифатида биламиз ва ҳурмат қиламиз, — деди Ислом Каримов. — "Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси" мавзуидаги халқаро конференцияда Араб давлатлари лигаси делегациясининг қатнашиши анжуманнинг нуфузини янада ошириб, Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожидаги аҳамиятини янада ёрқин намоён этишга хизмат қилади.

ISESCO томонидан Тошкентнинг 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши аждодларимизнинг ислом илм-фани ва маданиятини ривожлантиришга қўшган беқиёс ҳиссасининг, мамлакатимизда илмий-маданий меросни асраб-авайлаш, қадимий обидалар ва муборак қадамжоларни тиклаш ва ободонлаштириш, фан-таълим ва маданиятни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган улкан ишларнинг халқаро миқёсдаги эътирофидир. Айни пайтда ташкилотнинг мазкур қарори бугунги Ўзбекистонни, ўтмишда бу заминдан етишиб чиққан буюк алломаларни дунёга янада кенгроқ таништиришга хизмат қилиши билан ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

АДЛга аъзо мамлакатлар Ўзбекистоннинг ислом тарихида тутган ўрни нечоғли муҳимлигини эътироф этган ҳолда, юртимиздаги бугунги ўзгаришларни ҳам юксак баҳолайди. Хусусан, ислом маданияти ёдгорликларини асраб-авайлаш борасидаги ишларга, Ҳазрати Имом (Ҳастимом), Имом Бухорий ва Абдухолиқ Ғиждувоний мажмуалари сингари иншоотлар янгидан бунёд этилганига алоҳида эътибор билан қарайди.

Амр Мусо узоқ йиллар давомида Миср Араб Республикаси ташқи ишлар вазири сифатида фаолият юритган, 2001 йилдан буён АДЛга раҳбарлик қилиб келади. Ушбу ташкилотга 21 араб давлати ва Фаластин миллий мухторияти аъзо. Араб давлатларида сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни фаоллаштириш, араб ҳамжамиятида бирдамлик ва шериклик руҳини кучайтириш орқали хавфсизлик, мудофаа ва ташқи сиёсат масалаларида кўп томонлама мувофиқлаштирилган ҳолда иш тутишни таъминлаш, динлараро мулоқотни ривожлантириш, минтақадаги низоларга барҳам беришга кўмаклашиш АДЛнинг мақсад ва вазифалари сирасига киради.

Меҳмон ISESCOнинг Тошкентга бундай юксак унвон беришга оид қарори Ўзбекистоннинг ислом маданиятини, қадриятларини сақлаш ва бойитишга қўшаётган ҳиссасининг ҳақли равишдаги муносиб эътирофи эканлигини таъкидлади. Шу муносабат билан ўтказилаётган халқаро конференцияга таклиф этилгани учун Президентимизга миннатдорлик билдирди. АДЛ минтақавий ва халқаро масалалар бўйича Ўзбекистон билан ҳамкорликдан манфаатдорлигини қайд этди.

Учрашувда мамлакатимизнинг ушбу халқаро ташкилот билан ҳамкорлигини янада ривожлантиришга доир масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

**(ЎзА).**

# ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ РИВОЖИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ» МАВЗУИДАГИ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИ БИЛАН ОҚСАРОЙДА БЎЛИБ ЎТГАН УЧРАШУВДАГИ СЎЗИ

Ассалому алайкум, азиз дўстлар, биродарлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Сиз, азизлар билан — бугун Тошкентда очилган халқаро конференция иштирокчилари билан учрашиш, ислом оламининг атоқли, кўзга кўринган намояндалари билан юзма-юз учрашиш мен учун катта шараф.

Шу фурсатдан фойдаланиб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурмат-эҳтиромим ва эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Биз Ўзбекистонда сизларнинг сермазмун фаолиятингиздан яхши хабардормиз. Ислом дунёсини бирлаштириш, унинг обрўсини кўтариш, муқаддас динимиз қадриятларини ҳимоялаш йўлида қилаётган катта хизматларингизни юксак қадрлаймиз .

Барчангизга қимматли вақтингизни ажратиб, Ўзбекистонга, Тошкентга ташриф буюрганингиз, ушбу нуфузли конференцияда иштирок этаётганингиз учун ўз номимдан, халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдираман.

Бугун Тошкентда иш бошлаган халқаро конференцияни, унинг аҳамияти ва моҳиятини биз юқори баҳолаймиз. Ҳеч шубҳасиз, бу анжуман нафақат Ўзбекистон аҳли учун, балки яқин ва узоқ атрофимиздаги халқлар учун ҳам катта тарихий воқеа десак, ўйлайманки, янглишмаган бўламиз.

Мамлакатимиз пойтахтида ана шундай муҳим мавзуда, юксак мақомда ўтаётган бугунги конференция халқаро жамоатчиликнинг диққат-эътиборини ўзига тортиши табиий, албатта.

Барчангизга маълумки, бу анжуманни ўтказишга Ислом конференцияси ташкилотининг маданият бўйича тузилмаси АЙСЕСКОнинг Тошкент шаҳрига «Ислом маданияти пойтахти» деган ном бериш ҳақидаги қарори сабаб бўлди.

Биз бу нуфузли халқаро ташкилотнинг қарорини аввало Ўзбекистонга, халқимизга нисбатан юксак ҳурмат ифодаси, унинг ислом цивилизацияси ва маданияти ривожига қўшган муносиб ҳиссасининг тан олиниши, деб баҳолаймиз.

Қадимий юртимиз заминида туғилиб вояга етган, бутун мусулмон дунёсида ном қозонган буюк аллома ва мутафаккирларимиз билан биз ҳақли равишда фахрланамиз.

Ушбу қарор бу улуғ зотларнинг дину диёнатимиз йўлидаги беқиёс хизматлари, улар қолдирган бой ва бебаҳо мероснинг яна бир эътирофи, десак, айни ҳақиқат бўлади.

Биз АЙСЕСКОнинг бу қарорини юртимизда ислом тарихи ва маданияти, меъморчилик санъатининг намунаси бўлмиш бетакрор обидаларга катта ҳурмат ва эҳтиром билан қараб, уларни асраб-авайлаш, қайта тиклаш ва келгуси авлодларга етказиш бўйича қилаётган ишларимизга берилган юксак баҳо, деб биламиз.

Мухтасар қилиб айтганда, асрлар давомида амалга оширилган мана шундай эзгу ишларнинг барчаси аваламбор эл-юртимизнинг Яратганимизни қалбида, юрагида сақлаб келаётгани, ҳар қандай оғир синов ва тўфонлар даврида ҳам ўз иймонига содиқ қолганининг ёрқин ифодаси, десам, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Азиз дўстлар, бугун биз қандай таҳликали ва мураккаб бир замонда яшаётганимиздан ҳаммангиз яхши хабардорсиз. Бугун айрим мамлакатларда мусулмон оламига қарши тазйиқ ва таъна, бўҳтон ва туҳматлар уюштирилаётганини ва бундай уйдирмалар остида қандай мақсадлар ётганини, ўйлайманки, англаш қийин эмас.

Айни мана шундай кескин бир вазиятда бугунги конференцияда ўртага қўйилаётган мавзулар, муҳокама қилинаётган масалалар динимизнинг тарихини, унинг дунё цивилизациясига қўшган муносиб ҳиссаси ва асл маъно-моҳиятини кенг жаҳон оммасига етказишда ҳақиқатан ҳам катта ўрин тутишини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Бугунги ислом олами олдида турган энг долзарб ва муҳим вазифалар ҳақида гапирганда, мен тўртта масала хусусида тўхталиб ўтишни жоиз, деб биламан.

**Биринчи.** Ислом умматини бир мақсад атрофида бирлаштириш, унинг таркибида тарқоқлик ва қарама-қаршиликка йўл қўймаслик.

**Иккинчи.** Таълим-тарбия соҳасига алоҳида эътибор бериш, мавжуд барча имкониятларни мана шу мақсад йўлида сафарбар этиш. Келажак ёшларники, таълим эса ана шу келажакнинг калитидир.

**Учинчи.** Қашшоқлик ва камбағалликка қарши курашиш.

**Тўртинчи.** Ислом таълимотининг моҳиятини, унинг инсонпарварлик, мўътадиллик ва маърифатпарварлик хусусиятлари ва аломатларини дунё миқёсида кенг тарғиб этиш.

Сизларнинг барчангиз эртага дунёнинг энг қадимий ва гўзал шаҳарларидан бири бўлган, шу кунларда ўзининг 2750 йиллик тўйини нишонлаётган Самарқанд шаҳрини зиёрат қиласиз, у ердаги нодир ёдгорликларни ўз кўзингиз билан кўрасиз.

Диёримизда яшаётган оддий, бағрикенг, ўз келажагини ўз меҳнати билан барпо этаётган эл-юртимиз вакиллари билан учрашиб, суҳбатлашиш имконига эга бўласиз.

Бир сўз билан айтганда, юртимиздаги бугунги вазият, бугунги ҳаёт билан яқиндан танишасиз. Ва ўйлайманки, бундан ўз хулосаларингизни чиқарасиз. Энг муҳими, оққўнгил, меҳмондўст халқимизнинг сиз, азизларга бўлган самимий иззат-икромини ҳис этасиз.

Шу фурсатдан фойдаланиб, мен ҳам бутун халқимиз қатори сизларни Ўзбекистоннинг ҳақиқий дўстлари ва қадрдонлари сифатида қутлаб, яна бир бор барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурмат-эҳтиромимни билдиришдан бахтиёрман.

# ҲАМКОРЛИК ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 14 август куни Оқсаройда ЮНЕСКО Бош конференцияси раиси Мусо бин Жаъфар Ҳассанни қабул қилди.***

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, давлатлар ва халқлар ўртасида таълим, фан ва маданият соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш орқали дунёда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилаётган ЮНЕСКО билан ҳамкорлик изчил ривожланаётганини, Ўзбекистон ижтимоий ҳаётида муҳим аҳамият касб этувчи барча йирик тадбирлар ушбу ташкилот билан яқин ҳамкорликда ўтказилаётганини таъкидлади.

— ISESCO томонидан Тошкентнинг 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши Ўзбекистон халқи учун ва айни пайтда бизнинг узоқ-яқиндаги дўстларимиз учун қувончли воқеадир, — деди Ислом Каримов. — Сизнинг шу муносабат билан ўтказилаётган "Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси" халқаро конференциясида қатнашишингиз ушбу анжуманнинг нуфузини ошириб, унинг таъсир доирасини янада кенгайтиради.

Ўзбекистон ЮНЕСКОга 1993 йилда аъзо бўлган. 1996 йилдан эса Тошкентда ушбу ташкилотнинг ваколатхонаси фаолият кўрсата бошлади.





Ўзаро ҳамкорлик маданий ёдгорликларни муҳофаза қилишдан юқори технологиялар соҳасидаги ишларгача, олий ўқув юртларида ЮНЕСКО кафедраларини очишдан маданият, соғлиқни сақлаш, фан ва таълимгача бўлган кўплаб соҳаларни қамрайди.

Ўтган давр мобайнида юртимизда қадимий ёдгорликларни асраб-авайлаш, аждодлар меросини ўрганиш ва тарғиб этиш, миллий-маданий қадриятларни тиклаш борасида мазкур ташкилот билан ҳамкорликда кўплаб хайрли ишлар амалга оширилди. Амир Темур, Мирзо Улуғбек каби буюк боболаримизнинг, Бухоро, Хива, Термиз, Шаҳрисабз шаҳарларининг, "Алпомиш" достони ва "Авесто"нинг, Хоразм Маъмун академиясининг юбилейлари ЮНЕСКО шафеълигида халқаро миқёсда нишонланди. Ташкилот мамлакатимиздаги қадимий ёдгорликларни тиклаш, кенг тарғиб этишда ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. ЮНЕСКО Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарлари, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Қўлёзмалар институтидаги асарларни Жаҳон мероси дурдоналари рўйхатига киритиб, халқаро муҳофазага олган.

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилотининг (ISESCO) Тошкентни 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиши ҳам Ўзбекистон-ЮНЕСКО ҳамкорлигининг ўзига хос самараларидандир. Зеро, ўзбек заминидан етишиб чиққан алломалар ва уларнинг асарларини, Ўзбекистондаги бетакрор меъморий обидалар ва муқаддас қадамжоларни, ноёб тарихий-маданий ва илмий меросни халқаро миқёсда кенг танитиш ва тарғиб этишда ЮНЕСКО муҳим ўрин тутади.

"Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси" мавзуидаги халқаро анжуманга ЮНЕСКОнинг нуфузли делегацияси ташриф буюргани ҳам мамлакатимизнинг ушбу ташкилот билан ҳамкорлиги юксак даражада ривожланганидан яна бир далолатдир.

Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси ЮНЕСКОнинг МОСТ (Ижтимоий ўзгаришларни бошқариш) дастури бўйича ҳукуматлараро кенгаши ҳамда Юридик қўмитаси аъзоси, Маданият масалалари бўйича комиссия раисининг ўринбосаридир.

Оқсаройдаги учрашувда Мусо бин Жаъфар Ҳассан истиқлол йилларида мамлакатимизнинг иқтисодий, ижтимоий, маданий-маърифий ҳаётида амалга оширилган янгиланишларга юксак баҳо бериб, ЮНЕСКО қадимий тарих, бой маданият, улкан тарихий, маданий ва илмий меросга эга Ўзбекистон билан ҳамкорликни қадрлаши ва бундан буён ҳам ҳар томонлама ривожлантириб боришга тайёр эканини таъкидлади. Самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан ЮНЕСКО ўртасидаги ҳамкорлик истиқболларига оид масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

**(ЎзА).**

**Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган суратлар.**

*Кеча пойтахтимизда "Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси" мавзуида халқаро илмий-амалий конференция ўз ишини бошлади.*




# ИСЛОМ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ МАРКАЗИ

**Халқаро анжуман**

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкент шаҳрининг 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши муносабати билан ташкил этилган ушбу нуфузли анжуманда 30 дан ортиқ давлатдан келган меҳмонлар иштирок этишмоқда. Улар орасида Ислом конференцияси ташкилоти, Араб давлатлари лигаси ҳамда ЮНЕСКО вакиллари, шунингдек, 100 нафардан зиёд давлат ва жамоат арбоблари, таниқли диний уламолар бор.

Ислом конференцияси ташкилоти Бош котиби Акмалуддин Эҳсон ўғли, Араб давлатлари лигаси Бош котиби Амр Мусо, ЮНЕСКО Бош конференцияси раиси Мусо бин Жаъфар Ҳассан, Ислом маданияти ва санъати тадқиқотлари маркази (IRCICA) директори Ҳалит Эрен, Ал-Азҳар университети ректори Аҳмад Тайййб ва британиялик олима Ширин Акинерларнинг иштироки анжуман нуфузини янада оширди.

Илмий-амалий анжуман мамлакатимиз Президентининг конференция иштирокчиларига табриги билан очилди. Уни Ўзбекистон Республикаси Бош

(Давоми 2-бетда).

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Кўприк қулаб тушди



***Хитойда қурилаётган, узунлиги 320 метрлик кўприк қулаб тушди.***

Айни пайтда 22 кишининг қурбон бўлгани аниқланди. Яна шунча киши тан жароҳати олган. Маълумотларга қараганда, кўприк тагида қолиб кетган 46 кишининг тақдири ҳозирча номаълум.

Расмий хабарларда келтирилишича, ҳалокат рўй берган кун кўприк қурилишига 125 киши сафарбар этилган. Шу дамгача улардан 57 нафари қутқариб олинди.

Ҳозирда кўприкнинг қулаб тушиши сабаблари ўрганилмоқда.

## Икки аёл озодликда

***Сўнгги икки кун ичида «Толибон» ҳаракати томонидан гаровга олинган Жанубий кореялик аёлларнинг икки нафари озодликка чиқарилди.***



Ҳозирда улар «Баграм» ҳарбий базасида тиббий текширувдан ўтказилмоқда. Шифокорларнинг сўзларига кўра, аёлларнинг аҳволи яхши.

Айни дамда Жанубий кореяликлар Афғонистон ҳукумати ва АҚШ ҳарбийлари билан аёлларни ватанига қайтариш юзасидан музокаралар олиб бормоқдалар.

## Поезд издан чиқиб кетди

***Москва-Петербург йўналиши бўйича қатновчи «Нева поезди» кеча маҳаллий вақт билан 21 дан 38 дақиқа ўтганда ҳалокатга учради.***



Оқибатда 60 киши жароҳатланди. Улардан уч нафарининг аҳволи оғир.

Ҳалокат юзасидан «терроризм» моддаси бўйича жиноий иш қўзғатилди. РФ Бош прокуратураси маълумотига кўра, поезд қўлбола портловчи қурилма портлаши оқибатида издан чиқиб кетган.

## Сув балосидан асрасин

***КХДРда рўй берган сув тошқини юзлаб инсонларнинг бедарак йўқолишига сабаб бўлди.***

Марказий давлат телеграф агентлиги маълумотига кўра, табиий офат 30 минг аҳоли яшовчи уйларни вайрон қилган. Ўн минглаб гектар ерлар сув остида қолган. Бундан ташқари, юзга яқин киши ҳалок бўлган.

Айни дамда табиий офат рўй берган жойга Жанубий



Корея ҳукумати ва БМТ вакиллари инсонпарварлик ёрдами етказиб бермоқда.

## БМТ сайтига хуруж



***Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Интернет тармоғидаги расмий веб-сайтига хакерлар ҳужум уюштиришди.***

Бу ҳақда ташкилот ходими Мишель Монтас оммавий ахборот воситалари ходимларига ахборот берди.

Монтаснинг сўзларига кўра, хакерлар тахминан уч соат мобайнида сайтда бузғунчиликларни амалга оширишга ҳаракат қилишган. Улар сайтга АҚШ ва Исроил олиб бораётган сиёсатни қораловчи маълумотларни жойлаштирганлар.

БМТ вакиллари сўзларига кўра, кейинги тўрт йил ичида ташкилот сайтларига ҳужумлар сезиларли даражада кучайган.

**Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.**

---

***2007 йилнинг ярми ҳам ўтиб бўлди. Дунёнинг деярли барча мамлакатларида ярим йилликда иқтисодиётда эришилган ютуқлар ва бу борада йўл қўйилган хато-камчиликлар таҳлил қилиб чиқилди. Халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотлар дунё иқтисодиётидаги ўзгаришларни қайтадан ўрганиб кўрмоқда.***

***Келинг, биз ҳам жаҳон иқтисодиёти таҳлилига киришишдан олдин, Халқаро валюта жамғармасининг дунё бозоридаги ўзгаришларга бағишланган ҳисоботига назар солайлик. Мазкур ташкилот баъзи ривожланаётган давлатлардаги иқтисодий ўсишнинг кутилганидан ҳам ошиб кетиши туфайли ўз прогнозларини қайта таҳлилдан ўтказди. Бунга кўра, 2007 ва 2008 йилларда дунёда ялпи ички маҳсулот ҳажми йилига 5,2 фоиздан ўсиб боради. Бу эса йил бошида тахмин қилинганидан 0,3 фоизга кўп демакдир. Жаҳон бозорида нефть, газ ва хом ашё нархларининг муттасил равишда кўтарилиб боришига қарамасдан, Осиёдаги ривожланаётган давлатлар, хусусан, Хитой, Ҳиндистон ва Марказий Осиё мамлакатлари иқтисодий юксалишга эришмоқдалар.***

*Халқаро иқтисодиёт:*

# ҚУТБЛАР АЛМАШМОҚДА

Хитой жорий йилда биринчи маротаба турли соҳалардаги ЯИМнинг ўсиши туфайли дунё иқтисодиётини ҳаракатга келтирувчи асосий двигателга айланди. Америкада йилнинг биринчи чорагида тураржой бинолари бозорида инқироз юзага келди. Бу эса мамлакат иқтисодиётига жиддий салбий таъсир кўрсатмоқда. Хитойда эса аксинча. Шу йилнинг баҳорида мамлакат фонд бозорида нархларнинг кескин тушиб кетиши ҳам бунга таъсир кўрсатолмади. Экспорт ҳажмининг ошиши туфайли ишлаб чиқариш кундан-кун ривожланиб бораяпти. Жорий йилда бу мамлакатнинг дунё иқтисодиётидаги ҳиссаси 5,2 фоизга ўсиши кузатилаяпти.

— Айни пайтда жаҳон иқтисодиёти барқарор ривожланаяпти, — дейди Стэнфорд университети олими Жон Тейлор. — Бу эътибор қилишга арзийди. 1990 йилларда инқирозлар бири иккинчисини етаклаб келган эди. Лекин ҳозир ундай эмас. 2002 йилдан буён жаҳон иқтисодиёти жиддий инқирозга дуч келмади.

Инфляция даражаси паст шароитда барқарор сиёсатнинг юритилиши туфайли Бразилия, Мексика, ЖАР ва Туркияда иқтисодий кўрсаткичлар сезиларли даражада кўтарилди. Қайсидир маънода, бу олдинга силжишда АҚШ иқтисодиётидаги орқага кетишнинг ҳам ўрни бор, албатта.

— Дунё истеъмоли эстафетаси ривожланган мамлакатлар қўлидан ривожланаётган давлатлар қўлига ўтмоқда, — дейди «Bank of America»нинг стратегия масалалари бўйича бош мутахассиси Жозеф Кинлан.

Халқаро экспертларнинг фикрича, АҚШ иқтисодиёти ўзининг жозибадорлиги билан инвестиция оқимини ўзига жалб қилиб келарди. Долларнинг халқаро валюта сифатидаги асосий рақобатчиси — евронинг жаҳонда мустаҳкамланиб бориши сўнгги йилларда америкача иқтисодиётга жиддий зарба бера бошлади. Бундан ташқари, дунё бозорида нефть ва газ каби муҳим стратегик товарларнинг доллар билан тенг равишда еврога ҳам сотилиши, қайсидир маънода, уммонорти давлати иқтисодиётини танг аҳволга солмоқда. Ироқ ва Афғонистон урушига бир неча юз миллиардлаб долларнинг сарфланиши АҚШ давлат бюджетидаги тақчилликни кучайтириб бораяпти.

Осиё ва Тинч океани ҳавзасида жойлашган мамлакатлар ривожланишига тўхталсак, дунёнинг энг тараққий этган давлатларида иқтисодий ўсиш ўртача 2,2 фоизни ташкил қилиб турганда, бу мамлакатларда ўсиш суръати ўртача 7,9 фоизга етди. Кўрсаткичлардаги тафовут катта. Бунга сабаб, сўнгги йилларда қитъа давлатлари ўртасида интеграция жараёнларининг тезлашганидир. Шимолий ва Марказий Осиё мамлакатларида бозор иқтисодиётининг тўлиқ қарор топиши, саноатнинг ривожланиши ҳамда жаҳон бозорига рақобатбардош маҳсулотлар чиқарилиши ўсиш суръатларини белгилаб бермоқда. Таҳлилчиларнинг фикрича, бундай ўсиш даражаси йил охирига қадар сақланиб қолади.

Бироқ Японияда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш 2,1 фоизга ўсиши кузатилаяпти. Еврохудудда ҳам худди шундай ҳолат. Халқаро валюта фонди экспертларининг фикрича, Европа Иттифоқи мамлакатларидаги ривожланиш 2,9 фоизгачани ташкил этади. Шунга қарамай, Еврохудудга кирувчи давлатлар иқтисодиёти ўсишини истиқболли, дея эътироф этиш мумкин. Нефть нархининг рекорд даражада ошиб бориши ҳамда газ масаласидаги беқарорлик эса ҳудуд иқтисодиётига бир оз соя ташлаётгани кўринмоқда.

Осиё Тараққиёт банки яқинда эълон қилган навбатдаги йиллик ҳисоботининг каттагина қисми Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистондаги иқтисодий ўсиш истиқболларига бағишланган. 2006 йилда минтақада ялпи ички маҳсулот ҳажми 12,4 фоизга ўсди. Хусусан, углеводород ёнилғиси экспортидан келаётган даромаднинг ошиши Марказий Осиёда жойлашган мамлакатлар миллий иқтисодиётини анча жонлантириб юборди. Банк мутахассисларининг фикрича, мамлакатимизда экспорт ҳажмининг ўсиши, саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг кенг ривожланиши иқтисодиётимизнинг жадаллашувига сабаб бўлаётган асосий омиллардан биридир.

Банк бош мутахассиси, иқтисодий масалалар бўйича халқаро эксперт

> ***Осиё Тараққиёт банки яқинда эълон қилган навбатдаги йиллик ҳисоботининг каттагина қисми Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистондаги иқтисодий ўсиш истиқболларига бағишланган.***

Ифзал Алининг таъкидлашича, Марказий Осиё давлатларида мулкнинг босқичма-босқич хусусийлаштирилиши, банк-молия тизимидаги ислоҳотларнинг самарали олиб борилиши туфайли жорий йилда ўсиш ҳажми 10,3 фоизни, келгуси йили эса 9,4 фоизни ташкил қилиши кутилаяпти.

— Ўзбекистон, Озарбойжон ва Қозоғистонда солиқ юкининг камайтирилиши ҳамда хориж, жумладан, Россия ва Хитойдан кириб келаётган инвестиция оқимининг кенгайиши мазкур мамлакатларнинг иқтисодиёти истиқболли эканлигидан, етакчи компаниялар бу давлатларда ўз бизнесини ривожлантиришга ҳаракат қилаётганидан дарак бермоқда, — дейди Ифзал Али.

**Таҳлил**

— Минтақа давлатларида иқтисодий ривожланиш учун барча шарт-шароит яратилган, — дейди Дубай Халқаро молия маркази бош иқтисодчиси Носир Саид. — Буни сўнгги беш йил давомида кетма-кет миллий иқтисодиётларнинг ўсиш ҳажми ўртача 6 фоиздан кам бўлмагани ҳам исботлаб турибди.

Бевосита Ўзбекистон иқтисодиётига ва унинг минтақадаги ўрнига назар солсак, мамлакатимизда ўтган ярим йилликда ялпи ички маҳсулот ҳажми 9,7 фоизга ўсди. Кўплаб таҳлилчилар бозор иқтисодиёти шароитларининг мустаҳкамланиб бориши, хусусан, Ўзбекистонда 2006 йилда солиқларнинг кескин камайтирилиши, инвестиция оқимининг кенгайиши юксак ривожланишга эришишда бош омил бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлашмоқда.

Халқаро валюта фонди экспертлари юртимиздаги сўнгги иқтисодий ва сиёсий ўзгаришларни ўрганиб чиққандан сўнг, Ўзбекистон ривожланишини истиқболли, деб топди. «2006 йилдаги юқори иқтисодий кўрсаткичлардан сўнг ҳам ялпи ички маҳсулотдаги ўсиш суръати сақланиб қолди, яъни 9 фоиздан ошди. Ташқи савдода ҳам ижобий сальдога эришилди», дейилади ХВФ Миссияси томонидан тайёрланган ҳужжатда.

Осиёга фақат хом ашё бозори сифатида қараш бугун эскирди. Сўнгги ярим асрдан ортиқроқ вақт мобайнида Осиёда ҳукм сурган барқарорлик ривожланишнинг асосий кафолати эканлигини қитъа давлатлари амалда исботлашди. Қолаверса, қитъа мамлакатлари эришаётган муваффақиятлар табиий ресурслари экспорти ҳисобига эмас, балки иқтисодий интеграция жараёнларини тўғри йўлга қўйиганида ҳамдир.

**Юнус БЎРОНОВ,**
**«Сиёсат» ахборот-таҳлил маркази эксперти.**

---

**2007 йил 24 - 28 август кунлари**

**Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 16 йиллиги арафасида мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларининг экспортга йўналтирилган маҳсулотларининг**

**«Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган – 2007»**

**анъанавий кўргазмаси бўлиб ўтади**

**Кўргазма бўлимларида:**
- *илмий технология маҳсулотлари*
- *иқтисодиётнинг нефть, газ, тоғ-кон қазиш, металлургия, қурилиш материаллари соҳаларининг маҳсулотлари*
- *енгил, кимё, фармацевтика саноатлари корхоналарининг маҳсулотлари*
- *мебель*
- *транспорт хизматлари ва туризм*
- *уяли алоқа хизмати ва бошқалар*

**Ўзэкспомарказ**
**Марказий павильон**

Made in Uzbekistan

Ташкилотчилар:

Ўзбекистон Республикаси
Ташқи иқтисодий алоқалар,
инвестициялар ва савдо вазирлиги

OZEKSPOMARKAZ
NATIONAL EXHIBITION COMPANY

*Боғланиш телефонлари:*
*(99871) 138-56-10, 138-56-35, 138-56-11.*
*Факс: (99871) 138-56-10, 134-40-88, 134-54-40.*

ТЕХНИК КЎМАГИ:

АХБОРОТ КЎМАГИ:

ПАРТНЕР.uz НОВОСТИ УЗБЕКИСТАНА НОРМА Бизнес-вестник Востока BVV BUSINESS REPORT Turkiston

1134Н/1405

## ҚИШЛОҚДА ЎҚУВ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАРКАЗИ

***Жиззах вилоятида давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 17 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.***

**Қарор ва ижро**

Вилоятда жорий йилнинг олти ойида пулли хизмат кўрсатиш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 28,1 фоиз ўсиб, аҳоли жон бошига 22,3 минг сўмни ташкил этди.

Шуниси аҳамиятлики, чекка қишлоқларда ҳам сервис хизмати кўрсатиш кўлами тобора кенгайиб бораётир. Дўстлик тумани Наврўз қишлоғида «Эммахоним камалаклари» номли янги хизмат ва ўқув-ишлаб чиқариш маркази очилди. Тадбиркор Зуҳра Муҳаммадиева саъй-ҳаракатлари билан ташкил этилган ушбу марказда тикувчилик, зардўзлик, келинлар либосларини тикиш ва ижарага бериш хоналари, сартарошхона ишлаб турибди. Бу ерда хизмат кўрсатиш билан бирга ёшларга касб-ҳунар ҳам ўргатилмоқда.

Бундай хизмат кўрсатиш шохобчалари вилоятнинг бошқа қишлоқларида ҳам кўпаймоқда. Вилоятда кейинги йилларда маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари сони 2 минг 850 тага етган бўлса, шундан 2 минг 150 дан зиёди қишлоқларда ташкил этилди.

**Тошқул БЕКНАЗАРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

---

**Бухоро вилояти Хўжалик судининг 2007 йил 3 августдаги 20-0702/4819-сонли ҳал қилув қарори билан Бухоро шаҳрида жойлашган**

**«БУХОРОТЕКС» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ**

**банкрот деб топилиб, тугатишга доир иш жараёни олиб борилмоқда.**

Жамиятнинг тугатиш бошқарувчиси этиб Исмоилов Шукрулло Низомович тайинланган.

Жамиятга нисбатан бўлган даъволар 2 ой давомида қабул қилинади.

1128Н/1389

Мурожаат учун манзил: Бухоро ш., Саноатчилар к., 2-уй.
Тел.: 223-06-21, 222-26-74, 222-37-61. Факс: 222-37-88.




**Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!**

**«Крокус Газ Сервис» ҚК**

**«Сигнал» ва «Газдевайс» ЁАЖ компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили қуйидагиларни таклиф этади:**

**ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).**



Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.

Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 $м^3$, 250 $м^3$, 400 $м^3$, 650 $м^3$, 1000 $м^3$, 1600 $м^3$ гача ва ундан ортиқ.

Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

**Россияда ишлаб чиқарилган**

**«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧАНАЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН**



**замонавий электрон газ ўлчагичлари.**

Ўлчаш диапазонлари:
- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 $м^3$ дан 25 $м^3$ гача);
- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 $м^3$ дан 40 $м^3$ гача);
- «УБСГ» 001 G-4 (соатига 0,04 $м^3$ дан 6 $м^3$ гача).
- «УБСГ» 001 G-6 (соатига 0,06 $м^3$ дан 10 $м^3$ гача).
- «УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 $м^3$ дан 16 $м^3$ гача).

Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Мирobod тумани, «Моштабиб» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи.
Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

---

**Қилмиш-қидирмиш**

## Тартиб бўлгани яхши

Пойариқ туман давлат солиқ инспекцияси ходимлари туман прокуратураси билан ҳамкорликда Вазирлар Маҳкамасининг «Акцизли товарларнинг айрим турларини ишлаб чиқариш ва реализацияси тизими тўғрисида»ги қарорининг бажарилиши юзасидан Челак деҳқон бозорида текширув ўтказишди. Текшириш жараёнида тумандаги Шаммат қишлоғида яшовчи фуқаро Шоира Мамадалиеванинг ҳеч қандай ҳужжатсиз елимланган идишларда этил спирти ва қўлбола арoқ сотаётгани аниқланди.

Ҳужжатлар расмийлаштирилиб, фуқаро Ш. Мамадалиевадан умумий қиймати 32400 сўмлик 10,8 литр спирт ва 68000 сўмлик ҳар хил турдаги қўлбола арoқ, жами 100400 сўмлик алкоголли маҳсулотлар далилий ашё сифатида олиб қўйилди. Қоидабузарга нисбатан туман прокуратураси томонидан жиноий иш қўзғатилди.

**А. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

